

## "IT'S HARD TO SAY WHETHER THE WORLD WE LIVE IN IS REAL OR A DREAM"

**Khurramov Ravshan Jura oglu**

1st year master's degree student

Theory and history of art (cinematography)

Supervisor: Associate Professor, Ph.D. SA Khaitmatova

### Annotation:

This article deals with interstate relations, ie cultural ties between Uzbekistan and South Korea. Thoughts and comments on the life and work of director Kim Ki Duk, who has a place and style in world cinema, as well as the film "Empty House" in his filmography.

### Keywords:

Screenwriter, director, cameraman, synthesis, image, cinematography, film.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида, барча соҳаларда ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Бу борада давлатлар ўртасидаги ўзаро стратегик муносабатларни шакллантирадиган дўстлик алоқалари алоҳида аҳамият касб этади. Фикр билдирмоқчи бўлганимиз, Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳақидадир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея Республикалари ўртасидаги алоқаларда маданият ва санъат борасидаги ҳамкорлик ҳам алоҳида эътиборли. Бизга сир эмаски, Жанубий Корея киномутахассислари томонидан суратга олинган бир қанча сериал-у, фильмлар ўзбек томошабини томонидан алоҳида интиқлик билан кутиб, томоша қилинди. Хусусан, севги ва муҳаббатни ўзида акс эттирган - “Қиш сонатаси”, “Баҳор таровати”, “Ёз ифори”, “Куз эртаги”, “Самовий ишқ”, “Қалбим чечаги”, тарихий мавзулардаги - “Сарой жавоҳири”, “Сўнги қиролича”, “Денгиз ҳукмдори” ва ҳоказолар.

Шу ўринда ўзбек кино санъати тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, адабиётларда Ўзбекистонда биринчи фильм 1897 йил “Эски жўва” майдонида кўрсатилганлиги ҳамда 1908 йилдан Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда чет эл фильмлари намойиш этила бошланганлиги ҳақидаги маълумотларга гувоҳ бўламиз.

Шунингдек, ўзбек миллий кино санъати XX асрнинг 20-йилларида вужудга келган бўлиб, унинг ривожига биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девоннинг ҳиссаси каттадир.

Маълумот ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, Жанубий Кореялик режиссёр Пон Чжун Хо ўзининг “Паразитлар” комедик-драма фильми билан Шарқ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб “Оскар” мукофотини қўлга киритди (2020 йил - “Энг яхши фильм”, “Энг яхши режиссёр”, “Энг яхши оригинал сценарий”, “Энг яхши хорижий тилдаги бадиий фильм” йўналишлари бўйича).

Сўзимиз давомида ўзининг фильмлари билан мухлислар меҳрини қозонган Ким Ки Дукнинг ҳаёти ва унинг “Бўш уй” (Пустой дом) драматик фильми бўлган муносабатимизни келтириб ўтмоқчимиз.

Ким Ки Дук (20.12.1960 – 11.12.2020)нинг болалиги Жанубий Кореянинг Кёнсон-Пукто провинциясига қарашли Бонгхва округидаги Собённи қишлоғида ўтади. У оиласи билан Сеулга кўчиб ўтади ва қишлоқ хўжалиги мактабига юборилади. Кейин ўн етти ёшида заводда, йигирма ёшида армияда ва беш йил денгиз пиёдалар қўшинида хизмат қилади.

Сўнгра руҳоний бўлишни ният қилиб, кўрлар черковида икки йилни ўтказди. Бу даврда унинг азалдан расмга бўлган иштиёқи кучайиб, Парижга йўл олади ва у ерда 1990-1992 йилларда тасвирий санъатдан таълим олади.

Демак, бундан тушунишимиз мумкинки, “Бўш уй” (Пустой дом) драмасида ҳам расмлардан фойдаланганлиги бежиз эмас. Унинг ҳаётига разм соладиган бўлсак, айтиб бериш жойда кўним топмаганлигига гувоҳ бўламиз.

1993 йилда Ким Ки Дук институтда сценарий муаллифлари учун таъсис этилган “Энг яхши сценарий” мукофотини “Рассом ва ўлимга маҳкум қилинган жиноятчи” асари учун қўлга киритади. Бир мунча вақт у Европани айланиб чиқади ва рассом сифатида ўзини намойиш этади. Яна иккита сценарий мукофотидан сўнг у “Тимсоҳ” (1996) фильмида режиссёрлик дебютини ўтказди.

Бунинг ортидан “Ёввойи ҳайвонлар” (1996), “Бирдсаге меҳмонхонаси” (1998) ва атиги 200 дақиқада ўнта камера ёрдамида “Ҳақиқий фантастика” (2000) экспериментал филмини суратга олади.<sup>1</sup>

Кинодаги карьерасининг дастлабки тўққиз йилида Ким Ки Дук 13 та фильмга режиссёрлик қилади. У 2019 йил 18-25 апрель кунлари бўлиб ўтган 41-Москва Халқаро кинофестивали асосий танловида ҳакамлар ҳайъатига раҳбарлик қилади. Фестиваль доирасида “Магистрлар” дастурида унинг “Одам, макон, вақт ва яна инсон” фильми намойиш этилади.<sup>2</sup>

2019 йил ноябрь ойида Ким Ки Дук яна Россияга келади ва IV Халқаро Сочи кинофестивали асосий танлови ҳакамлар ҳайъати раиси бўлади. Кейин режиссёр ўзининг навбатдаги фильмининг суратга олиш ишлари Россияда бўлиб ўтишини эълон қилади.<sup>3</sup>

Лекин, афсуски, Ким Ки Дук 60 ёшида Рига шаҳридаги касалхонада (Латвия) COVID-19 инфекцияси асоратлари туфайли вафот этади.<sup>4</sup>

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, режиссёр 2017 йилда “Мебиус” фильмидаги жинсий сахнани суратга олиш жараёнида аноним актрисани мажбурлаганликда айбланади. Гўёки, у розилик билдирмаган деган фикр билдирилади.<sup>5</sup>

2018 йилда яна учта аёл томонидан жинсий зўравонликда айбланади.<sup>6</sup> 2019 йилнинг январь ойида суд ҳукмига биноан 4450 АҚШ долларига тенг миқдорда жарима солинади.<sup>7</sup>

Бутун умри давомида кино санъати ривожини учун яшаган Ким Ки Дук ўзидан биз кино авлодлари учун бой маънавий мерос қолдириб кетди. Унинг ҳозир биз таъкидламоқчи бўлган фильмлари бутун дунё кино тарихи учун энг катта бойлик ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ким-Ки-Дук#Биография. ru.wikipedia.org. интернет сайти

<sup>2</sup> Человек, пространство, время и снова человек ММКФ интернет сайти

<sup>3</sup> “У меня много планов в России”: Ким Ки Дук – о том, почему хочет снимать в Москве и Сочи. Будущее России Национальные проекты интернет сайти

<sup>4</sup> В Латвии от COVID-19 умер корейский режиссёр Ким Ки Дук. rbc.ru интернет сайти

<sup>5</sup> South Korean Director Kim Ki-duk Sued for Alleged Violence on Set, Adding Unscripted Sex scene. The Hollywood Reporter интернет сайти

<sup>6</sup> Eun-byel, Im Kim Ki-duk fires back at accusers. The Korea Herald. The Guardian интернет сайти

<sup>7</sup> Kil Sonia Court Dismisses Kim Ki-duk case Against Actress, TV show. Korea Herald. Variety интернет сайти

Булар: **“Ичимлик”**-2012 йил “Олтин шеър” 69 Венеция кинофестивалининг бош соврини;  
**“Пустой дом”** – 2005 йил Сан Себастьяндаги халқаро кинофестиваль мукофоти, 2004 Венеция кинофестивалининг тўртта мукофоти, 2004 Валладоллидаги (Испания) “Олтин узук” халқаро кинофестивал мукофоти;

**“Самариялик аёл”** - 2004 “Кумуш айиқ” Берлин Халқаро кинофестивалида энг яхши режиссёрлик иши учун;

**“Баҳор, ёз, куз, қиш...ва яна баҳор”** – 2005 Аргентиналик кино танқидчилари уюшмасининг “Энг яхши хорижий фильми учун” (испан тилида эмас) “Олтин Кондор” мукофоти, 2003 йил Локарно Халқаро кинофестивалининг тўртта мукофоти, 2003 йил Сан Себастьян Халқаро кинофестивалининг томошабин мукофоти;

**“Кўрикчи”** – 2003 йил Карловы Вары Халқаро кинофестивалининг учта мукофоти;

**“Ёмон одам”** - 2002 йил Каталон Халқаро кинофестивалининг “Шарқона экспресс” мукофоти, 2002 йил Фукуокадаги Осиё кинофестивалида Гран-при (Япония), 2002 йил катта қўнғироқ мукофоти (Корея Республикаси); **“Номаълум манзил”** – 2002 йил киноНово кинофестивалининг (Белгия) ёш ҳакамлар ҳайъати томонидан “Амакоуроу” мукофоти;

**“Орол”** – 2001 йил Брюссель кинофестивалининг энг яхши фантастик фильми учун “Олтин қарға” мукофоти, 2001 йил Порто (Португалия) Халқаро кинофестивалининг икки мукофоти, 2001 йил Москвадаги Халқаро кинофестиваль ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофоти, 2000 йил Венеция Халқаро кинофестивалининг НЕТПАС мукофоти;

Энди шу ўринда унинг машҳур “Бўш уй” (Пустой дом) фильмига бўлган муносабатимизни келтирамиз.

Инсон ҳаётга келар экан, ҳаётини мазмунлаштириш мақсадида нимагадир интилади, ҳаракат қилади. Лекин шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаётдаги мазмуни таътимайди ҳатто. Айниқса, яқин бир инсонлари бўлмаса, яъники: ота-она, ака-ука, фарзанд, ёр-дўст ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ким Ки Дукнинг “Бўш уй” (Пустой дом) драмаси ҳам худди шу мазмун-моҳиятни акс эттиради. Режиссёр фильмни ҳар бир инсоннинг кўнглига кириб борадиган, ички туйғуларини ларзага келтирадиган, ҳаёт ҳақида фикрлашга ўргатадиган даражада тасвирлаб берган. Бу ўз навбатида кинематография соҳаси учун муҳим бўлган омиллар - сценарий, режиссура ҳамда операторнинг бир-бирини тушуниб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилганлигида акс этади. Драматургия қонун-қоидалари барча санъат мутахассисларига маълум, шундай бўлса-да, ушбу санъат асарида яна бир бора ушбу қоидалар акс этганлиги ҳар бир кадрда, ундаги ижрода ўз ифодасини топмоқда.

Фикримизни давом эттирар эканмиз, имкон қадар яхши ва тушунарли маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз. Асар драма, мелодрама, криминал жанрда бўлиб, ўз навбатида жанрлар синтезини юзага келтирмоқда. Аслини олганда ҳам шунақа, экранда тасвирларни кўришингиз мобойнида айнан бир жанрда деб аташ мумкин қадар нотўғри эканлигига амин бўласиз. Ким Ки Дук ушбу кино асарида режиссёрликдан ташқари сценарий муаллифи, продюсер ва монтажёр ҳамдир. Ҳамкор продюсерлар – Чхве Ён-бе, Со Ён-Джу.

Шунингдек, оператор Чан Сон-бекнинг хизмати жудаям машаққатли ва шунинг билан бир қаторда завқли эканлигини сезишимиз мумкин. Кадрларнинг жойлашуви худдики, тўлқинсимонликни беради, яъники, “кадрлар тўлқини”ни юзага келтиради. Энди ушбу кадрларда актёрларнинг завқ билан яшаши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Актёрлар ижросига келадиган бўлсак, булар - Ли Сын-ён, Че Хи, Квон Хёк-хо, Чу Джин-мо, Чжон-хо Чои, Ли Джу-сок, Ми-сук Ли, Мун Сон Хек, Пак Чи-а, Чан Джэ-ён кабиларни ташкил этади. Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, режиссёрнинг актёрлар ансамблини танлашдаги ҳаракати бу унинг бош ютуғи ҳисобланади. Ким Ки Дук шу нарсани уддалаган, асари қахрамонларини топган режиссёрдир.

Фильмда актёрларга ёрдам берадиган ҳар бир атрибутнинг ўз юки, ўз маъно-моҳияти бор. Мисол учун гольф тўпини ўзиёқ турли хил маънони билдиради. Ти Сук исмли йигит тўпни бош ролдаги қиз томон юмалатганида, унга, яъни қизга нисбатан ишқда беътибор эмаслигини, худди шу фикр тўпни қайтариб йигитга думалатганда у ҳам розилигини билдиради. Ёки бўлмаса, йигит дарахтга симни ва унга тўпни боғлаб гольф ускунаси билан улоқтираётганида ҳам ҳаётда ҳамиша ёлғиз эканлигини тушунтирмакчи бўлади. Қизнинг эса, унинг рўпарасига келиб туриши –“мана, мен борман ёнингда” деган маънони акс эттиради. Яна бир нарсага эътибор беришимиз мумкинки, бу - асар бошидан охиригача ҳаракат ва ҳолатларга қурилган ҳамда сўз деярли ишлатилмайди.

Ҳаётда ҳар бир киши ўзининг уйи, ўз оиласи, яқин инсонлари бўлишини хоҳлайди. Ти Сук нечта бўш уйларда яшаган бўлса, ушбу уйлардан ўзига нимадир олишга ҳаракат қилади. Энг муҳими ёлғиз кўнглини шу уйлар ва ундаги нарсалар билан тўлдиришга интилади. Аслида бу ердаги уйлар уй эмас, одамлар, ҳаёт, кўнгул тинчи бўлган қалб хотиржамлиги. Йигитнинг ҳар битта уйда девордаги расмлар билан биргаликда суратга тушиши ҳам худди шу уйнинг аъзоси бўлганидек кайфиятни ҳис қилиши унга бахтли лаҳзаларни ином этади. У шу уйлардаги уй эгаларининг кийимларини ювиши ёки соат, вентелятор, тарози, муסיқали марказ кабиларни созлаши ҳам унинг виждонли эканлигидан далолат беради. Албатта, режиссёр қахрамоннинг ички туйғуларини сўзга эмас, шу сингари рамзларга берганлиги ҳам фильм моҳиятини янада бойитган.

Кунларнинг бирида йигит шундай бир уйга келадикки, унда қайсидир маънода кўнглининг иккинчи бир бўлагини топади гўё. Энг қизиғи у кўнгул соҳибаси бошқа бир кўнгулнинг исканжасида азобда яшаётган эди. Худди қиз ҳам йигитни қутгандек, унга талпинади. Ундан ҳаётининг мазмунини топади.

Деворда ҳар хил шаклларда ғамгин тасвирланган суратлар ҳам қизнинг ҳаётдан норозилиги, ҳаёт завқини тополмаётганлигини билдириб турибди. Қиз ўз расмини қирқиб ташлаганида ҳатто, чин ошиқдан уялганлик ҳиссини намоён қилади. Асар сўнги тарози устида йигит ва қизнинг оёқлари жипслашган ҳолат билан қолиб яқунланиши, тарози палласи тенгликка эришганлигини кўрсатиб кетяпти. Фильм **“биз яшаётган дунё ҳақиқат ёки орзу эканлигини айтиш қийин”** деган жумла билан яқунланади.

Мазкур экран асарини қайта – қайта қўришингиз натижасида ундан янада янги маънолар сизиб чиқишига гувоҳ бўласиз. Чунки, диққат қилиб эътибор қилсак, ушбу “Бўш уй”(Пустой дом) картинаси тўла-тўқис тасвирий санъат асари ҳамдир. Демак, бундан - ҳар бир инсон ҳаёти давомида Буюк Режиссёр томонидан турли хил санъат йўналишларида яшар экан, деган мулоҳаза келиб чиқади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Ким Ки Дук дунёнинг етук режиссёри. Қайсидир маънода инсониятнинг нозик жиҳатларини акс эттиришга ҳаракат қила олган, тўғрироғи, уддалаган режиссёр. Нафақат корейс халқи, балки, бутун дунё инсонлари унинг ижодидан фахрланса арзийди. Шунақа инсонлар борки, уларнинг ҳаётидаги қилган хунрезликлари ёки бўлмаса қанақадир гап-сўзлари орқали унга нисбатан фикримиз ўзгариб қолади. Яъники, “сиз”дан “сен”га ўтамыз. Аслида унақа бўлиши керак эмас, бизга унинг ижод намуналари, халқ учун нимани қолдираётганлиги қизиқ. Айтмоқчи бўлганим, ушбу муаллифнинг ҳаётида учраган ҳар хил тўғри ёки нотўғри воқеалар унинг шахсини белгилаб бермайди. У ижодкор инсон, дунё ичида алоҳида дунё ярата олган ижодкор. Аслини олганда ҳам ижодкорларнинг ажралиб турадиган қанақадир хусусиятлари бўлади. Шуниси билан у ижодкордир, балки!

Унинг “Бўш уй”(Пустой дом) фильми ҳам алоҳида қизиқиш уйғотганлиги учун фикр билдиришга ҳаракат қилдим. Ким Ки Дук бир йигит ва бир қиз орқали бутун бир ҳаётни акс эттириб берапти.

Ҳар бир санъат асарининг ҳам бош мақсади инсонлар учун нимадир бера олиш ҳисобланади. Ким Ки Дук буни амалга оширолган режиссёр. Унинг картиналари ноодатий, воқеалар эса, кутганимизнинг аксини беради гўё. Ҳар бир филъми алоҳида таҳсинга лойиқ.

“Бўш уй”(Пустой дом) сингари томоша санъати намуналарини кўп ва хўп томоша қилиш, ҳар бир инсон учун ҳаётни, ундаги инсонларни, уларнинг кўнглини тушуниш керак деган энг керакли мазмунни беради.

### **Фойдаланилган интернет сайтлари рўйхатлари:**

1. Ким-Ки-Дук. Биография. [ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org). интернет сайти
2. Человек, пространство, время и снова человек **ММКФ** интернет сайти
3. “У меня много планов в России”: Ким Ки Дук – о том, почему хочет снимать в Москве и Сочи. **Будущее России Национальные проекты** интернет сайти
4. В Латвии от COVID-19 умер корейский режиссёр Ким Ки Дук. [rbc.ru](http://rbc.ru) интернет сайти
5. South Korean Director Kim Ki-duk Sued for Alleged Violence on Set, Adding Unscripted Sex scene. **The Hollywood Reporter** интернет сайти
6. Eun-byel, Im Kim Ki-duk fires back at accusers. The Korea Herald. **The Guardian** интернет сайти
7. Kil Sonia Court Dismisses Kim Ki-duk case Against Actress, TV show. Korea Herald. **Variety** интернет сайти